

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 11-сон



ШАЙХУЛ ОЛАМ МАЬНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОН КАМОЛОТИГА ОИД ҚАРАШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Норова Малика Файзуллоевна Бухоро давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Сайфиддин Бохарзийнинг инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асос – яхши ургу, яхши жой, яхши ўгит, қулай вақт гояси асосида юзага келган “Комил инсон концепцияси” баён этилган. Сайфиддин Бохарзийнинг бу концепцияси Азизиддин Насафий қарашлари билан қиёсланган. Бобнинг иккинчи бандида комил инсон ахлоқи ҳақидаги Абдухолик Гиждувоний фикрлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: комил инсон, тўрт асос, яхши ургу, яхши жой, яхши ўгит, қулай вақт, қалб, қалб кўзи.

ОТРАЖЕНИЕ ВЗГЛЯДОВ НА СОВЕРШЕНСТВО ЧЕЛОВЕКА В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ ШАЙХУЛ ОЛАМА

Аннотация: В этой статье описывается «Концепция идеального человека» Сайфиддина Бохари, основанная на четырех принципах, необходимых для человеческого совершенства: хорошее семья, хорошее место, хорошее удобрение, хорошее времяпрепровождение. Этую концепцию Сайфидди на Бохарзи сравнивают со взглядами Азизиддина Насафи. Во втором абзаце главы анализируются взгляды Абдухалика Гиждувани на совершенную человеческую мораль.

Ключевые слова: идеальный мужчина, четыре основы, хорошее семья, хорошее место, хорошее удобрение, удобное время, сердце, сердечное око.

REFLECTION OF VIEWS ON HUMAN PERFECTION IN THE SPIRITUAL HERITAGE OF SHAYKHUL OLAM

Annotation: This article describes Sayfiddin Bokhariz's "Concept of the Perfect Man", which is based on the four principles necessary for human perfection - a good seed, a good place, good fertilizer, and a good time. This concept of Sayfiddin Bokhari is compared with the views of Aziziddin Nasafi. The second paragraph of the chapter analyzes Abdulkhaliq Gijduvani's views on perfect human morality.

Keywords: perfect man, four bases, good seed, good place, good fertilizer, convenient time, heart, heart eye.

Асрлар давомида башариятда комил инсонни шакллантириш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Комил инсоннинг икки жиҳати ҳақида тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ деб ўйлаймиз: “Бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчasi, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган”[4]. Ҳар иккала жиҳатда ҳам комил инсон ғояси барча давларда инсонларни яхши фазилатларни эгаллашга, уларни эзгулик ва ҳидоятга, хайрли амалларни бажаришга, адолат ва рўшноликка, инсонпарварликка даъват этган. Ушбу ғоя жамиятнинг маънан юксалиши, ёш авлодни тарбиялаши учун асосий омил бўлиб хизмат қиласи.



Сайфиддин Бохарзий тасаввуф таълимотининг қонун-қоидалари, назарий ва амалий жиҳатларига риоя этиб, диний-тасаввуфий қарашлари шакланган ва ўз асарларида комил инсонга оид муҳим жиҳатларни таҳлил қилган. Биз Шайхул Олам маънавий меросини ўрганиш асносида, ундаги энг асосий ғояга таяниб, бу улуғ зотнинг комил инсон концепциясини талқин этишга ҳаракат қилдик. Сайфиддин Бохарзий ўзининг “Рисолаи васиёйи Бохарзий” асарида шундай ёзади: “Бу иззатни эгаллаш ва тўлиқ ҳосил олишта тўрт нарса сабаб бўлади: яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит ва қулай вақт”[10]. Бу иборалар билан Бохарзий жамиятда инсонларни комилликка эришувида ёш авлоднинг вужудга келишидан бошлиб эътиборли бўлишликни зарур деб ҳисоблаган. У оиласда ва жамиятда маънавий-маърифий, илм-зиё билин йўғрилган муҳитнинг яратилиши фарзанднинг ёшлигидаги одоб-ахлоқ масалалари билан боғлиқлигига деб билади. Фарзандларнинг тарбиясида ота-она, қўни-қўшни, маҳалла ва элу юртнинг таъсири бекиёс эканлигини айтади.

Азизиддин Насафий ўзининг “Комил инсон” асарида ҳам инсонда комилликка эришишнинг тўрт асосий фазилати бўлиши лозимлигини кўрсатади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф[14]. Нажмиддин Комилов Азизиддин Насафийнинг бу фикрини “Авесто” асари ғояларига ўхшашлигини таъкидлайди. “Авесто”да ҳам ҳақиқий, мукаммал инсон бўлиб етишишда, уч сифат: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал мужассам бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Сайфиддин Бохарзий комил инсон тарбияси учун зарурий тўрт шарт – тамоилии билан Азизиддин Насафийнинг комил инсонга хос бўлган сифатлари миқдор жиҳатидан ўхшаса ҳам, мазмун-моҳиятта қўра бири биридан фарқ қилади. Шу билан биргаликда Азизиддин Насафийнинг комил инсонга доир ғояларида нузул ва уружга доир фикрлар ҳам бор. Азизиддин Насафий уруж ва нузулда мукаммал бўлган кишини, яъни “асли пайдо бўлиб, қуйига тушгандан кейин яна камолотта етиб, ўз асли даражасига етган инсонни комил инсон”, –дейди. Бу ғояни тарғиб қилиш Шайхул Оламга ҳам хос, албатта. Сайфиддин Бохарзий ҳам инсонни вужудга келишидан, яралишидан то камолотта етишигача бўлган жараённи камолотнинг тадрижий босқичлари сифатида билади ва шунга амал қилади[7].

Сайфиддин Бохарзийнинг инсон камолотига оид концепциясининг биринчи тамоилии яхши уруғдир.

Яхши уруғ тушунчасини таҳлилидан маълум бўладики, инсон камолотининг биринчи асоси унинг қандай ота-онадан дунёга келиши билан боғлиқ. Инсоннинг камолотида жуда кўп омиллар таъсир этади: ирсият, оиласий тарбия, ташқи муҳит, кишининг ўз истак-иродаси ва бошқалар. Бохарзийнинг фикридан маълум бўладики, инсоннинг келгусида қандай бўлиши унинг ирсий асослари, наслига боғлиқ. Буни образли тарзда қуидагича изоҳлаш мумкин. Ҳосилнинг яхшисини етиштирмоқ ниятида бўлган дехқон, урутнинг сарасини танлаши керак бўлади. Чунки урутнинг айнан қанақалиги маҳсулотнинг сифатига таъсир этади. Буғойнинг қандай навини эксан, худди шундай навни оламиз, олманинг қандай турини танлаган бўлсак, шундай олма турини етиштирамиз.

Сайфиддин Бохарзийнинг “яхши уруғ” ғоясида инсоният учун энг муҳим жиҳат – наслнинг покизалигини сақлаш масаласи туради. Бундан, энг аввало, ўғил фарзанд тарбияси, фарзанд улғайтагч, унга муносиб умр йўлдош танлаш вазифаси бирламчи эканлиги англашилади.



Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон концепциясининг иккинчи тамойили “яхши жой”дир. Шайхул Оламниң яхши жой, яхши макон тушунчасидан маълум бўладики, улуғ педагог “яхши уруғ”нинг униб-ўсиши фақат унинг сифатига боғлиқ эмас, балки манзилу маконига ҳам боғлиқлигини уқтиради. Яхши ҳосил олиш учун дастлаб яхши уруғ танланса, ундан кейин уни экиш мумкин бўлган муносиб жой, муносиб ер, тупроқ танланади. Биламизки, унумли, яхши ишлов берилган ерга агар яхши уруғ экилса, бу уруғ униб-ўсиши учун етарлича шароит бўлади. Мабодо яхши уруғ номуносиб ерга қадалса, ундан яхши ҳосил олиш даргумон.

Бохарзий яхши жой тамойили билан комил инсон тарбиялашдаги иккинчи асос бу – муносиб макон масаласи эканлигини илгари сурди. Маълумки, оиласдаги соғлом муҳит, етарлича шароитнинг мавжудлиги комил шахснинг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўла олади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Соғлом она-соғлом бола” шиори остида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Оиласда, жамиятда аёлларга бўлган муносабат масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон ҳақида “яхши уруғ” ва “яхши жой” тамойиллари кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд ижодига ҳам таъсир этган дейиш мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам зикр масалалари ҳақида гапирганда, аввал ерни бегона ўтлар, кичик тошлардан тозалаб, кейин зикр уругини сепиш керак, деб қалбни поклаш масаласига алоҳида эътибор берган. У кишининг фикрича, фақат покиза қалбдаги зикрлардан яхши натижа чиқади.

Сайфиддин Бохарзий комил инсон концепциясининг учинчи тамойили яхши ўғитдир. Шайхул Олам “яхши ўғит” тушунчаси орқали яхши уруғ муносиб тупроқ, тозаланган жойга қадалгандан кейин униб, ўсиб, гуллаб яшнаши учун яхши озуқа бериш масаласига эътиборни қаратади. Чунки яхши уруғ яхши ерга экилсаю, аммо бу ер зарурий озуқа билан таъминланмаса ҳосил униб чиқмайди ёки нимжон, сифатсиз бўлиб унади.

Шарқнинг буюк донишманд педагоглар фикрича болани туғилгандан кейин эмас, она қорнида вужудга келишидан бошлаб тарбиялаш лозим. Бохарзий ҳам шундай фикрни илгари сурган. Бу масалада она ва отанинг вазифалари асосий ўринни эгаллайди. Отанинг оиласи таъминлаш учун топаётган маоши ҳалоллигига шубҳа бўлмаслиги лозим. Чунки ноқонуний йўллар билан бирорни норизо қилиб топилган луқма ҳаром бўлишини алломаларимиз кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Сайфиддин Бохарзий комил инсон концепциясининг тўртинчи тамойили “қулай вақт”дир. Халқимизда “Вақting кетди, нақдинг кетди”, “Бугунги ишни эртага қўйма” деган мақол ва ўгитлари машҳур. Ҳар бир ишни ўз вақтида амалга ошириш, қулай имкониятни топиш иш самарадорлигининг калитидир. Шунинг учун Шайхул Олам яхши уруғни топиб, яхши ҳосилдор ерга экиб, у муносиб озуқа билан таъминлангач, парваришлишда вақтига эътибор бериш лозим, дейди. Бола тарбиясининг улуғ билимдони Ибн Синонинг ёнига қирқ кунлик гўдагини кўтариб келган ота ва она “Фарзандимизга қачондан тарбия берайлик” деб сўраганларида Ибн Сино уларнинг қирқ кун кечикканларини айтади. Ерга ва униб чиққан ҳосилга ҳам сув бериш, ҳам ўғит бериш, ҳам парваришлишнинг ўз вақти-соати бор. Бола тарбиясида ҳар бир қулай пайт ва ҳар бир қулай онни ғанимат билиш лозим. Боланинг ёш хусусиятлари, қизиқишилари ва савиясини инобатта олиб, уни тарбиялашда қулай вақтни танлаш муҳим аҳамиятга касб этади.



Үн саккиз ёшдан бошлаб, фарзанд дўстимиз, ҳамсухбатимиз, вақти келса, сирдошимиз бўлмоғи лозим. Бола ота-онадан ҳайиқмаслиги, вақти келса, сирдоши бўлмоғи керак. Бола ота-онани энг яқин инсони сифатида ҳурмат қилмоғи лозим. Бу маълум маънода охирги босқич бўлиб, ушбу даврдан фарзандимизни қай даражада тарбия топганилигининг самарасини кўра бошлаймиз. Шу босқичгача амалга оширилган тарбия фарзанд умрининг охиритча ҳамроҳ бўлиб қолади.

Сайфиддин Бохарзий Комил инсонни тарбиялаган ота-онани жуда яхши ҳосил олган дехқон билан қиёслайди. Комил инсонни тарбиялаган кишини бутун борлиқ ва коинот қўллаб-қувватлашини “Воқеоти хилват” асарида қуйидагича изоҳладайди: “Дехқонларнинг бошқа инсонлардан кўра афзаллиги осмондаги ойнинг барча юлдузлардан кўра афзаллиги кабиdir. Бирор бир фаришта бирор дехқоннинг зироати ёнидан дуо қилимасдан ўтмайди, унинг зироатига барака билан дуо қиласди. Аллоҳнинг фаришталари борки, уларнинг сонига ҳеч ким етмаган ва бу фаришталар қиёматта қадар дехқонларга Аллоҳдан мағфират ва дуо тилаб гуноҳларини кечиришни тилаб турадилар, ва уларга савоб ёзиб турадилар”[11]. Сайфиддин Бохарзий комил инсонни тарбиялаган кишини ойга қиёслаб, қуёш нурини ўзида акс эттиришида барча юлдузлардан афзаллигини таъкидлайди. Комил инсонни тарбиялаётган кишига сон-саноқсиз фаришталар дуолар қилиб, Аллоҳдан мағфират сўрайди ва савоб ёзади, деб таъкидлайди. Юқоридаги фикрларни давом эттириб, Сайфиддин Бохарзий ёзади: “Чунки дехқоннинг иши оғир ва шу билан ҳам унинг мукофоти зиёдадир. Барча ваҳший ҳайвонлар ва паррандалар, денгиз балиқлари, ер юзининг ҳашароти, ҳар бир қуруқ ва ҳўл тош ва кесак дунёning Ғарб ва Шарқида мавжуд бўлса, пешовард, яъни дехқонларга баракат тилаб дуо қиласдилар”[11]. Бу сўзлар орқали Шайхул Оlam комил инсонни тарбиялаш жараёни жуда машаққатли эканлиги ва шунинг учун ҳам унинг мукофоти улуғлигини таъкидлайди Улуғ алломанинг фалсафий фикрлари ривожини яна қуйидаги баёнда кўрамиз: “Зероки, дехқонлар ўз парвардигорига таваккул қиласдилар, уларнинг муомаласи парвардигорлари билантур. Сирот кўпригидан чақмоқ каби пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар ҳамроҳлигида ўтиб кетадилар ва Пайғамбарлар каби шафоат аҳли бўладилар. Дехқон таолонинг қони ва рўзадор оғзининг ҳиди қиёмат куни Худойи таолонинг наздида тенгдир. Дехқон баданинг териси ва ғазот аҳли баданинг териси бирга бўлса, Ҳақ таолонинг наздида баробардир. Қиёмат куни Аллоҳ таоло айтади: “Эй бандаларим, яъни эй дехқон бандаларим, жаннатнинг қайси эшигидан хохласанглар киринглар”[11].

Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон тарбияси жараёнини дехқон меҳнати билан тенглаштириш ғояси Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаси Махдуми Аъзамнинг “Рилолай Вужудия”[5] асаридаги вужуд дехқони ғояси билан ўзига хос умумийликка эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Сайфиддин Бохарзий маънавий меросининг таҳлили кўрсатадики, мутасаввиғнинг комил инсон ҳақидаги концепцияси чуқур илмий ва амалий аҳамият касб этади.

“Васиёйи Сайфиддин Бохарзий” асаридаги инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт босқич (яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит, қулай вақт) унинг комил инсон концепцияси асосини ташкил этади. Бу концепция одамзоднинг вужудга келишидан то камолотигача бўлган тадрижий даврининг яхлит ифодаси бўла олади.



Шайхул Оламнинг комил инсон концепцияси инсонни вужудга келишидан камолот даражасигача бўлган даврни яхлиглаши билан Азизуддин Насафийнинг комил инсонни уруж ва нузул ҳақидаги қарашларига уйғундир.

Сайфиддин Бохарзийнинг “Воқеоти хилват” асарида комил инсонни тарбиялаш жараёни дехқон меҳнати билан қиёслайди. Бу эса Нақшбандия таълимотининг назариётчиси Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи вужудия” асаридаги комил инсонни “вужуд дехқони” деб тафсифлаш ғояси билан умумийлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Norova M.F. Knowledge theory of Saifiddin Bokharzi // International Journal of Applied Research. – India, 2020. – № 6(5): – Р. 372-376.
 2. Norova M.F. Saifiddin Boxarzi waqfi lands // Экономика и социум электронное научно-практическое периодическое издание. – Россия, 2019. –№ 1(56)-1. – С. 78-82.
 3. Norova M.F. Sayfiddin Boharziy as an object visiting tourism // Indonesian Journal of Education Methods Development. – Indonesia, 2020. – № 9. – Р. 1-5.
 4. Комилов Н. Тасаввуп. – Тошкент: Моворууннаҳр, Ўзбекистон, 2009. – Б.138.
 5. Махдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (вужуд ҳақида рисола), мақолалар муаллифи, таржимон ва тўплаб нашрга тайёрловчилар: Наврӯзова Г., Зоиров Э. – Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти, 2006. –100 б; Зоиров.Э. Махдуми Аъзам. – Тошкент: Abu matbuot konsalt, 2011. – Б.18-25.
 6. Наврӯзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд-жаҳоншумул таълимот асосчиси / Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. (Тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н. Наврӯзова. –Тошкент: Сано Стандарт, 2019. – Б.27.
 7. Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. /Ҳақиқатлар қаймоғи/ Н.Комилов тарж. – Тошкент: Камалак, 1996. – Б.56.
 8. Норова М.Ф. Бохарзий ва унинг вақф ерлари // НамДУ Илмий ахборотномаси. – Наманган, 2019. –№ 12. – Б. 107-114.
 9. Норова М.Ф. Марказий Осиё тафсир илмининг ривожида Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими. (Электрон журнал). –Тошкент, 2020. май. –Б. 1-7.
- شیخ العالم سیف الدین باخرزی. رساله . تصحیح: ایرج افسار برای سید شمس الدین. تهران: نشر دیباچه 1396 ص.109.
- وصایای باخرزی
10. شیخ العالم سیف الدین باخرزی . وقایع الخلوه.ترجمه: مولانا غلام نبی توکلی پشتہ ئی تهران: نشردیباچه 1396 ص.30.
 11. شیخ العالم سیف الدین باخرزی . وقایع الخلوه.ترجمه: مولانا غلام نبی توکلی پشتہ ئی تهران: نشردیباچه 1396 ص.30.
 12. <https://jahonadabiyoti.uz/2019/06/03/азизиддин-насафий-комил-инсон-китоби>



09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

35	Ўзбекистон олий таълим тизими бошқарувининг мавжуд холати ва муаммолари Исмоилов Т.И.....	202
36	The philosophy of morale of Al-Farabi and its influence on the development of the ethic thought Abushaev A.K.....	207
37	Muhammad VA Ahmad G'azzoliy dunyoqarashi sarchashmalari Ходжайева F.N.....	212
38	Тафаккур тарзи конструктив когнитив фаолият жараёни ва натижаси сифатида Султанова Г.С.....	216
39	Шайхул олам маънавий меросида инсон камолотига оид қарашларнинг акс этиши Норова М.Ф.	222

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

40	Hayotni idrok etish va badiiy mahorat (Shoyim Bo'tayevning "Shox" romani misolida) Джуракулова Э.....	227
41	Ҳарбий талабалар сўз бойлигини терминлар ҳисобига оширишда замонавий педагогик технологияларнинг амалий аҳамияти Мусурмонова Ш.К.....	231
42	Presuppozitsianing funksional-kommunikativ hususiyatlari Mahmudov Sh.A.....	237
43	Соф қиёс асосини ифодаловчи луғавий воситалар Умуркулов З.Б.	243
44	Бадиий характер: макон ва замон талқини Насиров А.Н.	248
45	Инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданиятида "Dog" ит концепти (фразеологик бирликлар мисолида) Қодиров У.Р.....	251
46	What is Hydronym? preliminary study of uzbek Hydronymy on the roots. Qurbanova G.A.....	257
47	Translation unity and parallel corpora Ruziyev Kh.B.	262
48	Lexical transformation of toponyms Khayitova F.A.	265